



УДК: 930.253

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ
АКАДЕМИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН**

Бахранов Шерзод Таштурсунович

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги
университети, тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Тошкент, Ўзбекистон

Тел. (97) 402-94-48

E-mail: Sherofkun82@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари Академиясининг ташкил этилиши, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва тадқиқ этиш соҳасидаги илмий ташкилот фаолияти ҳақида сўз боради. Совет ҳукумати мамлакатда қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, янги технологияларни жорий этиш ва илмий кадрлар тайёрлаш учун ушбу илмий ташкилотни яратишни зарур деб билганлиги исботланган. Шунингдек, унда илмий ташкилот фаолияти тўғрисида фактлар, шу жумладан қишлоқ хўжалиги фанларини ривожлантириш соҳасидаги тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Совет ҳукумати ушбу ташкилотни кенгайтиришдан манфаатдор эди ва унинг олдида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва шу билан боғлиқ масалаларга қаратилган вазифаларни қўйди.

Калит сўзлар: Фанлар Академияси, қишлоқ хўжалиги фанлари, илмий-тадқиқот институти, станция, екиш ишлари, тола навлари, тадқиқот, марказ, ходимлар, наслчилик, экиш, лаборатория.



ИЗ ИСТОРИИ СОЗДАНИЯ УЗБЕКСКОЙ АКАДЕМИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ НАУК

Аннотация: В статье говорится о создании Узбекской академии сельскохозяйственных наук, о деятельности научной организации в области развития и исследования сельского хозяйства. Доказано, что советская власть считала необходимым создание этой научной организации для развития и поддержки сельскохозяйственной науки в стране, проведения научных исследований, внедрения новых технологий и подготовки научных кадров. Также приводятся факты о деятельности научной организации, в том числе и анализ исследований в области развития сельскохозяйственных наук. В расширении данной организации советская власть была заинтересована и ставила задачи перед ней, выполнение которых было направлено на развитие сельского хозяйства и связанные с ними вопросы.

Ключевые слова: Академия наук, сельскохозяйственные науки, научно-исследовательский институт, станция, посевные работы, сорта волокна, исследования, центр, персонал, селекция, посев, лаборатория.

Кириш. 1957 йилга келиб қишлоқ хўжалигига илм-фан янгиликларини жорий этиш, касалликларга бардош берадиган пахта навларини яратиш бўйича янгиликлар қилишни ривожлантириш ва бошқа шу билан боғлиқ массасаларни ечимини топиш мақсадида Ўзбекистон КП МҚ ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети фармойиши асосида Тошкентда Қишлоқ хўжалик фанлар Академияси очилди.

Мавзуга оид адабиётларни таҳлили. Мақолани ёзишда, асосий манба сифатида совет давридаги Ўзбекистон тарихий архиви ва А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланган материал ва бошқалар хизмат қилади. Архив материаллари ва даврий нашрлар асосида СИКП Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва илмий



тадқиқотлар, академия соҳасидаги фаолияти бўйича қатор масалалар кўриб чиқилган. Академия фаолияти, соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи қатор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган масалалар ва таклифларнинг ечимлари ёритилади ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот усуллари. Мавзуни ёритишда материалларини тизимли таҳлил қилишга асосланган, объективлик, тарихий изчиллик каби тарихий усуллар тўплами қўлланилади.

Тадқиқод натижалари. Қишлоқ хўжалик фанлар Академиясига: Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ) ва унинг тармоқлари, Ўрта Осиё Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (САНИИЛХ) ва унинг тармоқлари, Ўрта Осиё Ипакчилик институти (САНИИШ) ва унинг тармоқлари, Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти (САИМЭ), Ўрта Осиё Ирригация илмий-тадқиқот институти (САННИРИ) ва унинг тармоқлари, Бутуниттифоқ Ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг Ўрта Осиё филиали (СредазСТАЗРА ВИЗРА), Микоян номидаги Бутуниттифоқ тамаки ва мохорка илмий-тадқиқот институтининг ўзбек тажриба пункти, Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти, “Магарач” институтининг Ўрта Осиё филиали, академик Р.Р. Шредер номидаги ўзбек боғдорчилик ва узумчилик ўзбек илмий-тадқиқот институти, Ўзбек чорвачилик илмий-тадқиқот институти ва унинг тармоқлари, Ўзбек ветеринария илмий-тадқиқот институти, Ўзбек гуруч тажриба станцияси (гуруч тажриба станцияси), Ўзбек тажриба станцияси лубян усимликлари, Ўзбек картошка-сабзаёт станцияси ва унинг тармоқлари, Милют давлат селекция станцияси ва унинг тармоқлари, Тўрткўл боғдорчилик тажриба таянч пункти, Чимбай таянч пункт башоқли экинлар кабилар киритилди. Шунингдек, Тошкент Қишлоқ хўжалик институти Академия таркибига киритилди.

Қишлоқ хўжалик Академияси таркибида Ер ишлари институти, Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти, Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва иқтисод



институтларини ҳамда пахтачилик ва ер эгалиги, сув хўжалиги ва лесомелиорация, чорвачилик ва ипакчилик, қишлоқ хўжалигини механизация-лаш ва электрлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва иқтисод бўлимларини очиш режалаштирилди.

Пахтачилик ва ер ишлари бўлимига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш, Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Туркменистон ССР, Қирғизистон ССР, Қозоғистон ССР, Озарбайжон ССРнинг илғор колхоз ва совхоз, МТСлар тажрибасини умумлаштириш, илғор агротехник усулларни қўллаш ишлари белгилаб берилди. Турли табиий-иқтисодий ҳудудлар, айниқса Кўрик ерларларда, Марказий Фарғона, Амударёнинг қуйи оқимларидаги хўжаликларни юритиш ишларини йўлга қўйиш, Шунингдек, ўсимликларни ҳимоқ қилиш, қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига қарши курашиш, ёввойи ўтлар билан курашиши кабилар асосида вазифа қилиб белгиланди.

Сув ва лесомелиорация бўлимига сув ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш йўллариини излаш, хўжалиги ишларида янги техника киритиш ва сув хўжалиги тизимларини ишлатишда янги усулардан фойдаланиш ва гидротехник қурилишларини олиб бориш каби вазифалар белгилаб берилди.

Чорвачилик ва ипакчиликда чорва молларини етиштириш, сут соғиб олиш ва сут ёғлилик даражасини ошириш, чорвани боқиш усулларини такомиллаштириш, куйларни купайтириш ва уларни тугри боқишни ривожлантириш ҳисобига жун ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қорақўл тери сифатини ошириш. Пилла қуритини боқиш ва пилла озуқасини етиштириш йўллариини такомиллаштиришни ишлаб чиқиш кабилар белгилаб берилди.

Механизация ва электрлаштириш бўлимига республиканинг турли ҳудудларида пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигини бошқа тармоқларида комплекс механизациялаш, янги машиналарга агротехник талаблар тизимини ишлаб чиқиш кабилар белгилаб берилди. Чорвачилик, пиллачилик, боғдорчи-лик, узумчилик,



савзавот ва картошка етиштириш ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш масалаларини ишлаб чиқиш топширилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ва иқтисод бўлимига қишлоқ хўжа-лик маҳсулотларини етиштиришни максимал даражада ошириш, колхоз, МТС, совхозларда деҳқонларга меҳнатга ҳақ бўришни яхшилаш. Чорвачилик ошириш, режалаштириш ва қишлоқ хўжалигини ихтиссослаштириш, ердан ва чорвачиликдан келадиган фойда билан колхозчилар, МТС ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлиги ва қизиқишларини ошириш. Ишлаб чиқаришни пасайишини, пахта хом ашёси ва қишлоқ хўжалик маҳсу-лотларини ошириш билан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмини кўтариш кабилар белгиланди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни яхшилаш, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари билан қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтларини ҳамкорлигини кенгайтириш, қиш-лоқ хўжалигини ўстиришда қишлоқ хўжалиги илми билан шуғулланадиган профессор - ўқитувчиларни жалб этиш кабилар белгиланди. [1; с. 3-5].

Агарда тарихга назар ташласак Совет давлатида қишлоқ хўжалик таълими 1930 йиллардан бошланди. Хусусий мулкчиликни йўқотиб, барча корхона, ер ва ҳосилни давлат ихтиёрига ўтказилганидан сўнг жамоалаштириш ва саноатлаштириш даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб бориши қишлоқ хўжалик соҳасида мутахассисларни талаб этди. 1930 йилда Ленинградда биринчи қишлоқ хўжалик институти очилди ва Қишлоқ хўжалиги юналишда тадқиқотлар яна тайёрлаш жадалаштирилди. 1950 йилга келиб бутун совет давлатида 100 дан ортиқ қишлоқ хўжалик институтлари ва техникумлари очилди. Уларда 200 мингдан ортиқ талабалар таҳсил олди.

Бироқ, совет қишлоқ хўжалигининг муаммоли томони бу илмий янгиликларни қишлоқ хўжалигига жорий этишдаги муаммолар бўлди.[2; с. 14-16]. Қишлоқ хўжалигига илмий ташкилотчиликдан тортиб, сиёсий факторлар аралашди.[3; с.



153]. 1950 йиллардан иттифоқ даражасидан тортиб, район даражасигача маъмурий аралашувлар бошланди.[4; с. 154].

Илмий тадқиқот ишларини қишлоқ хўжалигига йўналтириш борасидаги янги қадам 1972 йил февраль ойидаги СССР ва иттифоқдош республикалар Қишлоқ хўжалик министрликлари, ВАСХНИЛ бўлимлари ходимлари иштирокида йиғилишда қўйилди. Унда илмий тадқиқот янгиликлари колхоз ва совхозларга, қишлоқларга етиб бормаганлиги, кўплаб адабиётлар марказ кутубхоналарида қолиб кетаётганлиги, уни ҳеч ким ўқимаётганлиги” таъкидланди. [5; 15 в.].

КПСС МҚнинг 1976 йил 24 февралдан – 5 мартгача бўлиб ўтган XXV съездида илмий ходимлар, институтлар ва лабораторияларнинг куч – ғайратини катта халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишга самарали ёрдам берадиган, айниқса фан-техникани тараққий эттириш вазифаларини ҳал этишга ёрдам берадиган энг фаол, муҳим муаммоларни ишлаб чиқишга қаратиш вазифалари белгилаб берилди.[6; с. 32].

Натижада ўнинчи беш йилликда (1976-1980) ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, уни техника билан қуроллантириш ва реконструкция қилиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш кўзда тутилди. Хуллас, съездда “1976-1981 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” қабул қилиниб, унда совет фанининг энг муҳим вазифаси табиат ва жамият қонунларини тадқиқ этишни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан, унинг коммунизм моддий – техника базасини яратишнинг актуал муаммоларини ҳал этишга қўшаётган ҳиссасини оширишдан, фан ва техника революцияси ютуқларидан самарали фойдаланишдан иборатлиги” белгиланди. [7; с. 6].

1988 йил охирига келиб бутун совет иттифоқида 5111 илмий тадқиқот муассасалари бўлиб, уларнинг 20 таси Фанлар Академияси, 23 таси Фанлар Академиясининг илмий марказлари, 2722 илмий - тадқиқот институтлари, илмий - тадқиқот институтларининг 528 та филиал ва бўлимлари, 61 та илмий - тадқиқот лабораториялари, 341 та илмий тажриба станциялари, илмий – тадқиқот ишларига



йўналтирадиган 13 та бўлим, 15 та обсерватория, 24 та ботаника боғи ва дендрания, 16 та кўрикхоналардан иборат бўлди.[8; с.275].

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Совет ҳукумати катта умидвор бўлган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари Академиясининг ташкил этилиши ўзини оқлади ва келтирилган далил ва далиллар буни тасдиқлайди. Совет ҳукумати ушбу илмий ташкилотни яратиш ва ривожлантириш ва ушбу минтақа ерларини ўзлаштиришдан манфаатдор эди.

Адабиётлар:

1. В Центральном Комитете Компартии Узбекистана и Совете Министров Узбекской ССР. “Об организации Узбекской Академии Сельскохозяйственных наук» // Сельское хозяйство Узбекистана. 1957, - №7, - с. 3-5.
2. Новоселов Ю. Экономика не слышит заклинаний // Земля сибирская, дальневосточная. 1990. -№1, -с.14-16.
3. Рычков А. Не состоявшийся поворот: из истории организации внедрения достижений науки в сельское хозяйство в СССР в 1970-е гг //Вестник Томского университета. 2017. - №4222, - с. 153.
4. Рычков А. Не состоявшийся поворот: из истории организации внедрения достижений науки в сельское хозяйство в СССР в 1970-е гг //Вестник Томского университета. 2017. - №4222, - с. 154.
5. Ўз.МА Ф-837, рўйхат-41, йиғма жилд - 6153, 15 варак.
6. Имомлаева Р. Фан ва техника. – Тошкент. Ўзбекистон ССР “Билим” жамияти, 1977. - 32 бет.
7. Имомлаева Р. Фан ва техника. – Тошкент. Ўзбекистон ССР “Билим” жамияти, 1977. - 6 бет.
8. Народное хоз. СССР //Вестник. 1988 г. №2 – с. 275.